

**АЖ “UZVAT A.O.” QK
КУЗАТУВ КЕНГАШИ
ТОМОНИДАН
2014 йил “20” НОЯБРДАГИ
6-SB/2014-сон БАЁННОМА БИЛАН
“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**АЖ “UZVAT A.O.” QK
БОШ ДИРЕКТОРИ**

[Подпись, печать]

МАРК ФИЛИМОНЦЕВ

**АЖ “UZVAT A.O.” QK
УРГУТ ФИЛИАЛИ ТЎҒРИСИДА
Н И З О М
 (“Низом”)**

ТОШКЕНТ, 2014

**AJ “UZBAT A.O.” QK (“КОМПАНИЯ”)
УРГУТ ФИЛИАЛИ ТЎҒРИСИДА
Н И З О М**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1 Мазкур AJ “UZBAT A.O.” QK Ургут филиали тўғрисидаги Низом (бундан буён матнда “Филиал”) ЎзР 26.04.96 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг (янги таҳрирда) 7-моддасига, ЎзР ФК 7-моддасига ва ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 26 августда 1246-сон рўйхат рақами остида рўйхатга олинган AJ “UZBAT A.O.” QK (бундан буён “Компания”) Уставининг (янги таҳрирда) 7 ва 25-моддаларига асосан ишлаб чиқилган.
- 1.2 Мазкур Низом 2005 йил 21 майда Компания Акциядорларининг Умумий Йиғилиши томонидан тасдиқланган Компаниянинг Ургут филиали тўғрисидаги Низомни алмаштиради.
- 1.3 Филиалнинг номи:
- Рус тилида: Ургутский Филиал АО СП «УЗБАТ А.О.»;
 - Ўзбек тилида: AJ “UZBAT A.O.” QK Urgutdagi Bulimi;
 - Инглиз тилида: The Urgut Branch of JSC JV «UZBAT A.O.».
- 1.4 Филиалнинг юридик манзили:
- Ўзбекистон Республикаси, Ургут ш., Навоий шох кўча, 10.

2. ҲУҚУҚИЙ МАВҚЕИ

- 2.1 Филиал Компания жойлашган еридан ташқарида жойлашган Компаниянинг алоҳида бўлинмасидир. Филиал мазкур Низомга мувофиқ Компания вазифаларини амалга оширади.
- 2.2 Филиал юридик шахс ҳисобланмайди ва ўз фаолиятини мазкур Низом асосида ва Компания Уставининг қоидаларига, Компания Бош Директорининг Буйруқларига, Компания Кузатув Кенгаши қарорларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.
- 2.3 Филиал унга Компания тақдим қиладиган ва Компания балансида ҳисобга олинадиган асосий фондлар ва айланма маблағлар кўринишдаги ўзига бириктирилган мол-мулкка эга.
- 2.4 Филиал бевосита Компанияга бўйсунди, унинг ишлаб чиқариш бўлинмаси ҳисобланади.

- 2.5 Филиал раҳбари Компания Бош Директорининг Буйруғи билан тайинланади ва Компания томонидан берилган ишончнома асосида фаолият юритади.
- 2.6 Филиал сўм ва чет эл валютасидаги талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақларга, ўз номи кўрсатилган думалоқ муҳр ва бурчак штампларига ҳамда мустақил тугатилмаган балансига эга.
- 2.7 Компания Филиал фаолияти учун жавобгар бўлади.
- 2.8 Филиал уни тузиш тўғрисида хабарнома Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларига юборилган пайтдан эътиборан мазкур Низомда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.
- 2.9 Компания ўз номидан фуқаровий-ҳуқуқий битимларни тузиш учун ўз ваколатларини Филиалга беришга ҳақли, агар бундай бериш амалдаги қонунчиликка ва мазкур Низомга зид бўлмаган тақдирда, уларни бажариш учун масъулият Компания зиммасида бўлади. Бунда бундай бериш ёзма кўринишда амалга оширилиши керак.

3. ФИЛИАЛ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДЛАРИ

- 3.1 Филиалнинг асосий мақсадлари Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида ҳар қайси шаклдаги сигарет, тамаки и ўзга тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, маркетинг ва сотишдан иборат. Филиал шунингдек, агар бу амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган бўлса, асосий мақсадларга эришишга хизмат қилувчи ҳар қайси бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширади.
- 3.2 3.1-бандда кўрсатилган мақсадларга эришиш учун Филиал:
 - агар бу амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган бўлса ва мазкур Низомга зид бўлмаса, Компания ва/ёки Б.А.Т. Компаниясининг тамаки маҳсулотлари сотилишига хизмат қилувчи ҳамда Компания билан келишувга кўра ва у томонидан белгиланадиган тартибда ҳар қайси турдаги фуқаровий-ҳуқуқий битимларни тузади;
 - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ етказиб берувчилар ва харидорлар билан нақд пул ва нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга оширади;
 - Компания томонидан белгиланадиган тартибда шартнома нархлари, тарифлари ва ставкаларини ўрнатади, шунингдек сигарет, тамаки ва ўзга маҳсулотларни сотиш, сотиб олиш, импорт, экспорт ва бартер қилиш учун контрактларнинг шартларини ишлаб чиқади;
 - эгаллаб турилган ва ишлатилаётган ускуналарни барча турдаги жорий ва капитал таъмирлаш ишларини, Компания билан келишилган ҳолда - капитал қурилишни амалга оширади;
 - юридик ва жисмоний шахсларга амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган пуллик хизматлар кўрсатади (маслаҳат, маркетинг, брокерлик ва ҳ.к.);

- маркетингни ташкил этиш билан шуғулланади ҳамда Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида кўргазма ва ким ошди савдоларда ва шунга ўхшаш бошқа фаолиятда иштирок этади;
- Компания билан келишилган ҳолда, агар бу амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган бўлса ва мазкур Низомга зид бўлмаса, Компаниянинг асосий мақсадлари ва вазифаларига эришишга хизмат қилиши мумкин бўлган хўжалик фаолиятнинг ҳар қайси бошқа турларини амалга оширади.

4. ФИЛИАЛНИНГ МОЛ-МУЛКИ

- 4.1 Филиалнинг мол-мулки Компаниянинг мулки ҳисобланиб, асосий фондлар ва айланма маблағлар ва Филиалнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ўзга мол-мулкдан иборат.
- 4.2 Филиал мол-мулкини шакллантириш манбалари:
- Компаниянинг моддий ва номоддий маблағлари;
 - хом ашё ва ишлаб чиқарилган маҳсулот;
 - Компания томонидан берилган айланма маблағлар ва активлар;
 - Компания томонидан тақдим қилинадиган ва амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.
- 4.3 Филиал Компания томонидан тақдим қилинадиган асосий фондлар ва айланма воситалар ва бошқа молиявий, моддий ва номоддий бойликларни сотиб олиш, сотиш, алмаштириш, қарзга ёки ижарага бериш, вақтинча фойдаланишга бепул тақдим қилиш ёки ўзга тарзда тасарруф этиш, шунингдек фақат Компания билан келишувга кўра уларни ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.
- 4.4 Компания Филиалнинг асосий фондалари, айланма маблағлари ва мол-мулкини тасарруф этишга ҳақли.

5. ФИЛИАЛНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

- 5.1 Филиалнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи амалдаги қонунчиликка, Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат молия органларининг амалдаги йўриқномаларига, Компания Бош Директори ва Филиал Директорининг (бундан буён матнда “Филиал Директори”) Буйруқларига мувофиқ амалга оширилади. Филиалнинг хўжалик операцияларини ҳисобга олиш Компанияни Тошкент офисининг молия бўлими томонидан марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади.
- 5.2 Филиал томонидан тўланиши лозим бўлган барча умумдавлат солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ва йиғимлар, шунингдек маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ Компания ва/ёки Филиал томонидан тўланади.
- 5.3 Филиал Директори мазкур Низомга, Бош Директор Буйруқларига, Компания томонидан унинг номига берилган Ишончномага, Лавозим йўриқномаларга ва

амалдаги қонунчиликка биноан ваколатларга эга бўлиб, ҳисоб-китоб молиявий интизомга риоя қилиш учун жавобгар бўлади.

5.4 Филиал ўзининг сўм ва чет эл валютасидаги талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақларидан қуйидаги тўловларни амалга оширишга ҳақли:

- иш ҳақини тўлашга;
- хизмат сафари харажатларини тўлашга;
- хўжалик эҳтиёжлари учун харажатларни тўлашга;
- хом ашё ва материаллар учун етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилишга;
- Филиалнинг хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган ишлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишга.

5.5 Филиалнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат Компания Ички аудит хизмати ва Тафтишчиси томонидан амалга оширилади. Компания Бош Директорининг қарорига кўра Филиал фаолиятининг тафтиши мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилиши мумкин.

5.6 Филиалнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш Компания бўйича Текширувлар ва санокдан ўтказиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

5.7 Филиал Компания Бош Директори томонидан тасдиқланадиган миқдорларда хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган фондларни ташкил этади. Юқорида кўрсатилган фондларни ишлатиш Филиал Директори томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

6. ФИЛИАЛНИ БОШҚАРИШ

6.1 Компания Бош Директори Компания номидан Филиал бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

6.2 Компания Уставига мувофиқ Компания Бош Директори Филиал фаолиятининг барча масалалари бўйича қарорлар қабул қилишга ҳақли. Амалдаги қонунчиликда ва Компания Уставада назарда тутилган ҳолатларда, Филиал фаолияти/тугатиш масалалар бўйича қарорлар Компания Кузатув Кенгашининг мажлисларида кўриб чиқилади. Компания Бош Директори Филиал фаолиятини назорат қилади ва бундай назоратнинг тегишли тартибини белгилайди.

6.3 Компания Бош Директори қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эга:

- Компания Кузатув Кенгашига мазкур Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш бўйича тавсияларни киритиш;
- Филиал фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қайси ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал этиш.

- 6.4 Филиални бевосита бошқариш Компания Филиали Директори томонидан амалга оширилади. Филиал Директорини тайинлаш ва бўшатиш Компания Бош Директори томонидан ёки Компания Бош Директорининг Буйруғи билан бунга ваколат берилган шахс томонидан амалга оширилади.
- 6.5 Филиал Директори Компания томонидан берилган Ишончномага асосан ҳаракат қилади. Филиал Директорининг ваколатлари бундай Ишончнома билан, шунингдек Филиал
- 6.6 Филиалнинг қолган ходимларини ишга олиш ва бўшатиш Компания томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 6.7 Филиал Директори:
- Филиалга умумий раҳбарликни амалга оширади ва унинг хўжалик фаолияти учун жавобгар бўлади;
 - Филиал фаолиятининг жорий ишлаб чиқариш, ташкилий, молиявий ва тижорат масалаларни ҳал этади;
 - Компания Бош Директорига ҳисобдордир ва мазкур Низом шартларига, Компания Бош Директорининг Буйруқларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Филиал фаолиятини амалга ошириш учун жавобгар бўлади;
 - Компания Бош Директори томонидан ва мазкур Низом билан унга тақдим қилинган ваколатлар доирасида ишончномалар, тўлов ва бошқа молиявий ҳужжатларни имзолайди;
 - Филиал фаолияти билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлат органлари билан муносабатларда Филиални расмий равишда ифода этади;
 - Компания Бош Директорининг Буйруқларини ижро этади;
 - Компания Бош Директори томонидан унга тақдим қилинган ваколатлар доирасида Филиалнинг мол-мулкини тасарруф этади;
 - техника хавфсизлигига ва ёнғинга қарши тартибга риоя қилиш учун ва Филиалнинг мол-мулки сақланилиши учун жавобгар бўлади;
 - Филиал фаолияти билан боғлиқ бўлган ва бажарилиши Филиал ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишларни қабул қилади.
 - унинг зиммасига амалдаги қонунчилик, мазкур Низом, Лавозим йўриқномаси ва Компания Бош Директори томонидан юклатилган жавобгарликка эга бўлади ва бошқа мажбуриятларни бажаради.

7. ФИЛИАЛНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

- 7.1 Филиални қайта ташкил этиш ва тугатиш Компания Уставига ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

- 7.2 Филиал тугатилганда, унда мавжуд бўлган барча мол-мулк Компания тасарруфига ўтади.
- 7.3 Филиал куйидаги ҳолатларда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин:
- Компания тугатилган тақдирда;
 - Филиал Компаниянинг бошқа таркибий бўлинмаларига қўшиб юборилганда;
 - Компания Кузатув Кенгашининг қарорига кўра;
 - Хўжалик судининг қарорига кўра;
 - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ўзга ҳолларда.
- 7.4 Филиал Компания Бош Директори билан келишиб, ўзининг ички таркибий бўлинмаларини қайта ташкил этилиши ва тугатилишини амалга оширишга ҳақли.